O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# OʻZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 5-aprel • Shanba • 45 (27.850) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир».**

## «ИСЛОМ ДИНИГА НИСБАТАН МУТЛАҚО АСОССИЗ ХУРУЖ ВА БЎҲТОНЛАРГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК ДАРКОР»

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 3 апрель куни Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида, жумладан, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликни тўхтатиш ва вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўз таклифларини билдирди.

Маълумки, қарийб 30 йилдан буён давом этаётган Афғонистон можароси жаҳон аҳлини ташвиш ва хавотирга солиб келади. Ўтган давр мобайнида халқаро жамоатчилик ва турли давлатлар томонидан ҳеч кимни четда қолдирмайдиган бундай ўта хавфли, қонли тўқнашувларга қандай қилиб барҳам бериш ҳақида қанчадан-қанча муҳокамалар, баҳсу мунозаралар бўлиб ўтгани, энг нуфузли халқаро минбарлардан турли хил фикрлар баён этилгани кўпчиликка яхши аён.

Жафокаш афғон халқи ўз бошига тушган бундай машъум фожиа оқибатида беҳисоб йўқотиш, мусибат ва талафотлар чеккани, кўпроқ четдан туриб қилинган қўпорувчи ҳаракатлар натижасида бу можаро ҳанузгача давом этаётгани, шу юртда яшаётган одамлар қандай оғир азоб-уқубатлар тортаётганини Афғонистонга қўшни бўлган ўзбек халқи ва жамоатчилиги яхши билади.

Президент Ислом Каримов НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида Афғонистонда бугун мавжуд бўлган вазиятга ижобий таъсир кўрсатиш учун бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Аввалам бор, ушбу мамлакат ҳудудида ўз ечимини кутиб турган ғоят муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечиш, биринчи галда оддий халқнинг эҳтиёжларини қондириш, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш устувор ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айнан шунинг ҳисобидан энг муҳим масала бўлмиш афғон халқининг халқаро коалиция кучларига нисбатан ишончини қозониш йўлини кўришимиз зарур, деб таъкидлади Президентимиз.

Афғонистоннинг кўҳна тарихи шундан далолат берадики, афғон халқини куч ишлатиш йўли билан бўйсундириш ва забт этиш мумкин эмас. Бу халқ ўзининг миллий табиати ва хусусиятлари, амалий ҳаракатлари билан бу ҳақиқатни кўп марта исботлаган.

Афғонистон заминида барқарорликни мустаҳкамлаш ҳақида гапирар эканмиз, афғон халқининг моддий эҳтиёжларини таъминлаш, бу борада халқаро ҳамжамият имкониятлари ҳисобидан ёрдам ва кўмак ажратиш билан бир қаторда мамлакат аҳолисининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш ва ушбу масала бўйича зарур кафолатлар бериш, бир сўз билан айтганда, шу ерда яшаётган одамларнинг маънавий қарашларини тан олиш принципиал ва долзарб аҳамият касб этишини таъкидлаш даркор, деб уқтирди давлатимиз раҳбари.

Агар бундай ўта муҳим талабларга итоат қилинмаса, мана шундай сиёсат изчиллик ва қатъият билан амалга оширилмаса, Афғонистон муаммосини ижобий ҳал этиш, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга эришиш қийин.

Бу борада ўз фикрини давом эттириб, Президентимиз бугунги кунда айрим сиёсий доиралар томонидан Афғонистон халқи ва бутун мусулмон дунёсининг иззат-нафсига жуда қаттиқ тегадиган, тоқат қилиб бўлмайдиган, муқаддас ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга бутунлай чек қўйиш ва уларга умуман йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида яна бир муҳим масалани ўртага қўйди. Яъни, 1997-2001 йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклашга даъват этди.

Маълумки, Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Эрон, Покистон ва Хитой давлатлари ҳамда АҚШ ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган ушбу мулоқот гуруҳининг фаолияти Афғонистонда тинчликка эришиш йўлининг умумий принциплари ва ягона ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган эди.

Ислом Каримов бу ҳақда атрофлича тўхталар экан, бугунги реал воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Мухтасар қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги нутқида баён этилган ва ҳар томонлама чуқур асослаб берилган фикр ва хулосалар, амалий таклифлар нафақат Афғонистонда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш йўлида халқаро ҳамжамият билан амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини белгилашга қаратилгани билан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Жамоатчилигимиз томонидан бундай таклифларнинг кенг қўллаб-қувватланиши шубҳасиз, албатта.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1.ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ижодий уюшмалар ва кенг жамоатчиликнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини 2009 йилнинг май ойида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3.Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадамжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир тадбирлар режасини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси иштирокида Тошкент шаҳрида 2009 йилнинг март ойида «Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференцияни ташкил этиш, мамлакатимиз ва чет эллардаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, конференция материалларини чоп этиш ва анжуманни кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

*(Давоми 2-бетда)*

☑ **2008 йил – Ёшлар йили**

## Истеъдодлар учун яна бир имконият

**Наманган шаҳрида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими иш бошлади**



Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.



*«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошидаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш борасида қатор ишларни амалга оширмоқда.*

*Наманган шаҳрида ҳам «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлими иш бошлади. Бу эса ҳудуддаги ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади.*

*Марказнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, талаба-ёшлар иштирокида «Биз – бир жамоамиз!» акцияси ўтказилди. Унда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг фаолияти таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.*

*Тадбир иштирокчилари марказ хиёбонига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди.*

**Суратларда:** марказнинг вилоят бўлими очилиш маросимидан лавҳалар.

☑ **Халқаро анжуман**

## Мақсад — тажриба алмашиш

Бугун мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишлари, миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида улғайишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу юртимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан ҳам яққол кўриниб турибди. Пойтахтимизда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Бола шахсини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги 2-халқаро илмий-амалий анжуманда ҳам бу алоҳида эътироф этилди. Икки кунлик мазкур конференцияда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби қатор давлатларнинг етакчи олим ва экспертлари, халқ таълими тизими ходимлари иштирок этишди. Қатнашчилар педагогика, психология ва махсус психология йўналишларида гуруҳларга бўлиниб, ўзаро тажриба алмашдилар.

— Ўзбекистонга келганимдан хурсандман, — дейди халқаро экспертлардан бири Римкиене Регина. — Ташрифим давомида Литва ва Ўзбекистон мактабгача таълим тизимини таққослаш имкониятига эга бўлдим. Юртингизда ёшлар таълим-тарбиясига кўрсатилаётган эътиборнинг бу қадар юқорилиги шахсан мени беҳад қувонтирди ва ҳайратга солди. Мустақиллик йилларида ўрганса арзийдиган тажриба тўпланибди.

— Ушбу анжуманда ўтган йили ҳам қатнашгандим, — дейди Сирдарё вилояти Ширин шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси Озода Эгамбердиева. — Йилдан-йилга унинг нуфузи ортиб, халқаро миқёсга чиқди. Энг муҳим жиҳати, бу сафар ҳам кўплаб хорижий давлатлардан келган ҳамкасбларим билан тажриба алмашдик. Бир қанча янгиликлардан бохабар бўлдим. Ўрганганларимни туманимизда оммалаштираман.

**Жасур ҲУСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## СОҲИБҚИРОН ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

**Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кунга бағишланган «Амир Темурнинг ҳарбий санъати» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Президентимиз ташаббуси билан Амир Темур номи тикланди, унинг мероси, жумладан, ҳарбий санъати ўқиб-ўрганилмоқда. Бинобарин, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг асосий мазмуни — Ватан озодлиги, шу Ватанга муҳаббат каби олий қадриятлардан иборатдир.

Тадбирда Амир Темур давлатнинг мустаҳкам таянчи бўлган армияга алоҳида эътибор қаратгани, армия давлат мустақиллиги ва қудратининг ишончли кафолати экани таъкидланди.

Буюк бобомиз ўз ҳарбий концепциясини яратган. Ўрта аср Шарқининг ҳарбий санъатини бойитган Амир Темурнинг ўткир ақл-идроки унга шон-шараф келтирди.

Амир Темурнинг ҳарбий санъати Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида чуқур ўрганилмоқда. Мазкур ўқув юрти Қуролли Кучларимизга юқори малакали офицер кадрларни етказиб беришда етакчи олий ҳарбий таълим масканларидан ҳисобланади.

Тадбирда билим юрти тингловчиларини Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялашда Амир Темур меросидан унумли фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди, Соҳибқироннинг ҳарбий санъатини янада чуқур ўрганиш лозимлиги қайд этилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## Самарқанд янада ораста бўлади




Жаҳон сайёҳлари диққат марказида бўлган қадимий шаҳарда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда мазкур йўналишга хизмат қилувчи «Саммахсустранс» автосаройи иш бошлади. Унга Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 4 хил турдаги автомашиналар ажратилди.

— Ҳозирча автосаройимизга 16 та янги автомашина келтирилди. Яқин кунлар ичида лизинг асосида яна 19 та автомашина оламиз, — дейди шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиқов. — Мақсад — қадимий ва навқирон шаҳримиз меҳмонларига янада юксак ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш, Самарқандни дунёдаги энг озода ва ораста шаҳарга айлантириш. Автосаройнинг фаолият бошлаши юздан зиёд ёшларни доимий иш билан таъминлаш имкониятини ҳам яратди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

